

**Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш  
агентлигининг Жаҳон иқтисодий тизимига соҳани интеграциялашувини  
ривожлантириш бошқармасининг  
НИЗОМИ**

**1. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг Жаҳон иқтисодий тизимига соҳани интеграциялашувини ривожлантириш бошқармаси (кейинги ўринларда Интеграция бошқармасидеб аталади), унинг асосий вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари ва мажбуриятларини, ҳисобот беришини, шунингдек бошқарма ходимларининг функционал мажбуриятларини, ҳуқуқ ва жавобгарликларини белгилайди.

2. Интеграция бошқармаси “Ўзстандарт” агентлиги марказий аппаратининг таркибий бўлинмаси ҳисобланади ҳамда ўз фаолиятида “Ўзстандарт” агентлиги раҳбариятига ҳисобот беради.

3. Интеграция бошқармаси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига ва бошқа қонун ҳужжатларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига ва фармойишларига, “Ўзстандарт” агентлигининг Низомига, буйруқларига ва қарорларига шунингдек, мазкур Низомга амал қилади.

4. Интеграция бошқармаси ўзига юклатилган вазифаларни бевосита ёки “Ўзстандарт” агентлигининг таркибий бўлинмалари, қуйи ташкилотлари ва муассасалари билан ўзаро алоқа қилган ҳолда амалга оширади.

5. Интеграция бошқармаси, “Ўзстандарт” агентлигининг бош директори томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган бошқарма бошлиғи томонидан бошқарилади.

6. Бошқарма бошлиғи ўринбосари ва бошқарма ходимлари бошқарма бошлиғининг таклифига асосан “Ўзстандарт” агентлиги бош директори томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

**2. Бошқарманинг вазифа ва функциялари**

7. Қуйидагилар Интеграция бошқармасининг асосий вазифа ва функциялари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари талабларига, шунингдек, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя этиш;

техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, метрология ва мувофиқликни баҳолаш соҳаларида интеграция имкониятларини жорий этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, метрология ва мувофиқликни баҳолаш соҳаларида миллий қонунчиликни халқаро ташкилотларнинг талаблари билан уйғунлаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш;

техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, метрология ва мувофиқликни баҳолаш масалалари бўйича халқаро ташкилотлар билан музокаралар жараёнида иштирок этиш;

техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, метрология ва мувофиқликни баҳолаш соҳаларида халқаро ҳамкорлик тўғрисидаги шартномалар лойиҳаларига таклифлар киритиш;

халқаро ташкилотлар билан техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, метрология ва мувофиқликни баҳолаш масалалари бўйича олиб борилаётган музокаралар бўйича тегишли маълумотларни тўплаш, таҳлил қилиш, умумлаштириш ва фаолиятни ривожлантириш бўйича Агентлик раҳбариятига таклифлар тайёрлаш;

“Ўзстандарт” агентлигининг таркибий бўлинмалари, қуйи ташкилотлари ва муассасалари томонидан халқаро ташкилотлар билан олиб борилаётган ҳамкорлик билан боғлиқ фаолиятини мувофиқлаштириш;

техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, метрология ва мувофиқликни баҳолаш масалаларига оид Ўзбекистон Республикасининг ҳукуматлараро ва идоралараро шартномалар ва битимлардан келиб чиқадиган мажбуриятларни “Ўзстандарт” агентлигининг таркибий бўлинмалари, қуйи ташкилотлари ва муассасалари томонидан бажарилиши юзасидан назорат олиб бориш;

“Ўзстандарт” агентлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиладиган ҳужжатларнинг халқаро ташкилотларнинг техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, метрология ва мувофиқликни баҳолаш масалаларига оид талабларига мувофиқлиги юзасидан экспертизадан ўтказилишини ташкил этиш;

Интеграция бошқармаси ўзига юклатилган вазифалар ва функцияларни бевосита, шунингдек “Ўзстандарт” агентлигининг таркибий бўлинмалари, қуйи ташкилотлари ва муассасалари иштирокида амалга оширади.

### **3. Бошқарманинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари**

8. Интеграция бошқармаси ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни амалга ошириш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

“Ўзстандарт” агентлиги марказий аппаратида кўриб чиқиладиган масалалар, шунингдек норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини таҳлил қилиш ва ишлаб чиқиш учун зарур бўлган материаллар ва маълумотларни “Ўзстандарт” агентлигининг таркибий бўлинмалари, қуйи ташкилотлари ва муассасаларисўраш ва олиш;

“Ўзстандарт” агентлигида кўриб чиқиладиган масалаларни ишлаб чиқиш, ахборот ва таҳлилий материалларни, шунингдек норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш учун зарурат бўлганда, “Ўзстандарт” агентлигининг таркибий бўлинмалари, қуйи ташкилотларива муассасалари вакиллари белгиланган тартибда жалб қилиш ҳамда экспертиза ишчи гуруҳлар ташкил этиш;

“Ўзстандарт” агентлигининг таркибий бўлинмалари, қуйи ташкилотлари ва муассасалари раҳбарлари ҳамда вакиллари иштирокида белгиланган тартибда йиғилишлар ўтказиш;

“Ўзстандарт” агентлигининг таркибий бўлинмалари, қуйи ташкилотлари ва муассасалари раҳбарларига жадал ҳал қилиниши талаб этиладиган ва “Ўзстандарт” агентлигига юкланган вазифалар ҳамда функцияларни бажариш билан боғлиқ масалалар юзасидан белгиланган тартибда топшириқлар бериш;

ҳалқаро интеграцияга оид қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари, фармонлари, фармойишлари, Ҳукумат қарорлари, шунингдек “Ўзстандарт” агентлиги ҳужжат ва топшириқларини “Ўзстандарт” агентлигининг таркибий бўлинмалари, қуйи ташкилотлари ва муассасалари томонидан бажарилиши юзасидан уларнинг фаолиятини белгиланган тартибда ўрганиш;

техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, метрология ва мувофиқликни баҳолаш масалаларига оид қонун ҳужжатлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш, шунингдек бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини кўриб чиқиш ва улар юзасидан таклифлар бериш;

“Ўзстандарт” агентлигининг тизим ташкилотларига, соҳага оид халқаро ташкилотларга ва хорижий мамлакатларнинг институтларига, ўз ходимларини сафарбар қилиш, ўз фаолияти бўйича бошқа мамлакатлардаги ҳамкорларни қабул қилиш;

ҳалқаро интеграция масалалари бўйича республика вазирлик, идора ва ташкилотлар, халқаро ташкилотлар билан “Ўзстандарт” агентлиги раҳбарияти орқали ёзишмалар олиб бориш.

#### 9. Интеграция бошқармаси мажбуриятлари:

техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, метрология ва мувофиқликни баҳолаш соҳаларида халқаро интеграцияга оид Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бошқа қонун ҳужжатлари билан “Ўзстандарт” агентлигига юкланган вазифа ва функцияларнинг бажарилишини ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари талабларига, шунингдек, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя этиш;

“Ўзстандарт” агентлиги ҳайъати қарорлари, “Ўзстандарт” агентлиги бош директори ва унинг ўринбосарларининг буйруқ ва топшириқларини ўз вақтида ҳамда сифатли бажарилишини таъминлаш;

Интеграция бошқармасига тақдим этилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тўлиқ ва ўз вақтида кўриб чиқилишини таъминлаш;

давлат сирига киритилган маълумотлар ва махфий ахборот билан ишлашда қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилиш.

#### **4. Бошқарма бошлиғи ва унинг ўринбосарининг жавобгарлиги**

10. Интеграция бошқармаси бошлиғи ва унинг ўринбосари:

интеграция бошқармасига юкланган вазифа ва функцияларнинг бажарилиши;

ушбу Низомда кўзда тутилган Интеграция бошқармасининг жавобгарлик соҳалари бўйича;

ўз функционал вазифаларининг сифатли бажарилиши учун шахсан жавоб берадилар.

#### **5. Бошқарманинг таркибий бўлинмалар ва тизим ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш тартиби**

11. Интеграция бошқармаси “Ўзстандарт” агентлигининг таркибий бўлинмалари, қуйи ташкилотлари ва муассасалари билан ҳамкорликда иш олиб бориб, ўз фаолияти йўналишлари бўйича:

топшириқларни таркибий бўлинмаларга, қуйи ташкилотларга ва муассасаларга етказиш ҳамда уларнинг бажарилиш жараёнини назорат қилади;

тўғридан-тўғри фаолияти масалалари бўйича “Ўзстандарт” агентлигининг таркибий бўлинмаларига, қуйи ташкилотлари ва муассасаларига сўровномалар жўнатади ҳамда уларнинг ижросини назорат қилади;

“Ўзстандарт” агентлигининг таркибий бўлинмалари, қуйи ташкилотлари ва муассасаларидан келиб тушган таклифларни ўрганиб кўриб чиқади;

“Ўзстандарт” агентлигининг таркибий бўлинмалари, қуйи ташкилотлари ва муассасалари норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашда иштирок этишини ташкил этади, улардан келиб тушган қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифларни кўриб чиқади.

#### **6. Бошқарма фаолиятини тўхтатиш**

12. Интеграция бошқармасини қайта ташкил этиш ва тугатиш “Ўзстандарт” агентлиги томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.